
“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Бош директор ўринбосари
Б.Т. Салоҳиддинов



«18» сентябрь 2025 й.

Устун мавқеини суиистеъмол қилиш ва манфаатлар тўқнашуви мавзусида ўтказилган ўқув-семинари юзасидан мажлис
БАЁНИ

Тошкент ш. **2025 йил 18 сентябрь**

Қатнашдилар: “Ўзбекистон республика валюта биржаси” АЖ ходимлари.

Маърузачи: Юридик ва комплаенс-назорат бўлими бош юрисконсульти - монополияга қарши комплаенс тизимини жорий этиш ва самарали фаолият юритишини таъминлаш учун масъул шахс О.Э. Умурзаков.

Давра суҳбати ЎзРВБ маъмурий биносининг 3-қаватдаги мажлислар залида бўлиб ўтди.

О.Э. Умурзаков ўз маърузасида ЎзРВБда рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларининг бузилиш хавфларини камайтириш бўйича 2025-йилга мўлжалланган йўл харитасида ЎзРВБ ходимларининг рақобат соҳасидаги билим ва кўникмаларини оширишга қаратилган ўқув-семинар, тренинг, давра суҳбати ва шу каби бошқа тадбирлар ўтказиш белгиланганлигига тўхталиб ўтди.

Сўнгра, маърузачи устун мавқеини суиистеъмол қилиш ва манфаатлар тўқнашуви мавзусида давра суҳбати иштирокчиларига атрофлича тушунтириш берди.

Ўзбекистон Республикасининг “Рақобат тўғрисида”ги Қонуни 13-моддасига кўра, устун мавқе – товар ёки молия бозоридаги субъектнинг бошқа иштирокчилардан мустақил фаолият юритиб, рақобат ҳолатига ҳал қилувчи таъсир кўрсатишига, шунингдек бошқа субъектларни бозорга киришини қийинлаштириши ёки иқтисодий эркинлигини чеклашига имкон берадиган ҳолатдир.

Аслида, устун мавқе техник жиҳатдан бозор улуши ёки табиий монополия орқали белгиланади, лекин ҳуқуқий жиҳатдан бошқа иштирокчилар учун тўсқинлик ва истеъмолчилар манфаатларига зиён келтиришга қаратилган хатти-ҳаракатлар устунлик ҳисобланади.

Мазкур қонуннинг 18-моддасида эса устун мавқега эга субъект томонидан бўлиш мумкин бўлган ноқонуний ҳаракатлар рўйхати берилган. Хусусан, бозорда маҳсулот ишлаб чиқаришни қисқартириш, нархларни сунъий равишда ошириш (монопол нарх белгилаш) ёки истеъмолчиларга номуқобил шартлар қўйиш устун мавқени суиистеъмол қилиш саналиб, тақиқланган.

Масалан, 2025 йилда Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси “Click” тўлов платформасини бошқа рақобатчилар мавжуд бўлган бозорда устун мавқега эга деб тан олиш билан бирга, унга манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ҳамда мониторингни жорий қилишни буюрди (https://raqobat.gov.uz/click-aj-ustun-mavqega-ega-raqamli-platforma-operatori-sifatida-etirof-etildi/).

“Манфаатлар тўқнашуви” атамаси “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”ги қонуннинг 3-моддасида ушбу тушунча: шахснинг шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлиги унинг лавозим мажбуриятларини ҳалол бажаришига таъсир қилиб, шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, ташкилотнинг ёки давлатнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ўртасида зиддият юзага келиши ёки келиши мумкин бўлган вазият деб белгиланади.

Шу билан бирга, қонун манфаатлар тўқнашувини олдини олиш учун ташкилий чораларни кўриш, жумладан, фуқаролик хизматчиларининг малакали ва холис қарор қабул қилишини таъминлашда восита сифатида назарда тутади. Қонунда мансабдор шахслар учун бир қатор

чекловлар белгиланган: масалан, ходим ўз бошқариб турган тижорат ташкилотида акциядор бўлиши ёки унинг мулкини сотиб олиш жараёнида қатнашишга йўл қўйилмайди.

Устун мавқеини суиистеъмол қилиш ва манфаатлар тўқнашувининг ҳуқуқий/амалий фарқлари

Устун мавқеини суиистеъмол қилиш – асосан бозор иқтисодиёти билан боғлиқ ҳуқуқий тушунча бўлиб, хўжалик юритувчи субъектлар (корхоналар, молия институтлари) фаолиятига тегишли ва монополияга қарши сиёсат доирасида назорат қилинади.

Манфаатлар тўқнашуви эса давлат хизмати ва юридик шахсларнинг ички фаолияти билан боғлиқ бўлиб, шахснинг шахсий қизиқишлари қарор қабул қилиш жараёнига таъсир қилмаслигига қаратилган коррупцияга қарши режим доирасида тартибга солинади.

Устун мавқеи суиистеъмол қилиш ҳуқуқ бузилишига мисол – бозорда нархни сунъий ошириш (монопол юксак нарх белгиланиши) ёки маҳсулот етказиб беришни чеклашдир. Бу ҳолатлар рақобат тўхташи ва истеъмолчи зарарланиши билан боғлиқ.

Манфаатлар тўқнашуви эса шахснинг қарор қабул қилиш жараёнида шахсий фойда кўзлаши, турар жой, мулк, оилавий аъзолари ёхуд тендерларда иштирок этиши каби ўзига ёққан натижага олиб келувчи ҳолатдир. Ушбу ҳолатлар коррупцияга олиб келиши мумкинлиги туфайли олди олиниши зарур деб ҳисобланади.

Устун мавқеи суиистеъмол қилганлик учун одатда монополияга қарши идора томонидан маъмурий санкциялар қўлланади (жарима ёки комплаенс тизимини жорий этиш каби чоралар) ва айни холда иқтисодий оқибатларни бартараф этиш чоралари кўрилади.

Манфаатлар тўқнашуви ҳолатида эса жавобгарлик кўпинча маъмурий тарзда белгиланади: қонунчиликда ходимни огоҳлантириш, хизмат вазифаларидан четлаштириш ёки мансабини тарк этишга мажбурлаш кеби чоралар назарда тутилади. Яна бир муҳим жиҳат – манфаатлар тўқнашуви юзага келганлиги ҳақида хабар бермаганлик учун ҳам маъмурий жазо (қариндошликка оид тафсилотларни ошкор этмаганлик учун жарима) кўзда тутилган.

Товар ёки молия бозорида хўжалик юритувчи субъектнинг ёхуд шахслар гуруҳининг устун мавқеини ёки устун музокара кучини аниқлаш ва эътироф этиш ҳамда суиистеъмолчиликни аниқлаш

Товар ёки молия бозоридаги рақобат ҳолатини таҳлил қилиш қуйидаги босқичларни ўз ичига олади:

- товар ёки молия бозорининг товар чегараларини аниқлаш;
- товар ёки молия бозорида хўжалик юритувчи субъект ёки шахслар гуруҳнинг устун мавқеи ёки устун музокара кучини эътироф этиш ҳамда уни бекор бўлганлигини эътироф этиш.

Товар ёки молия бозорида устун мавқе деб эътироф этилади:

- рақобатчилари мавжуд бўлмаса;
- табиий монополия субъекти деб эътироф этилса;
- бозор улуши 40 фоизни ва ундан ортиқни ташкил этса;
- қонунчиликда мутлақ ёки эксклюзив ҳуқуқ берилган бўлса.

Устун мавқега эга деб эътироф этилмайди

"Рақобат тўғрисида"ги Қонуннинг 13-моддасига мувофиқ, охирги календарь йилда товарларни реализация қилишдан олинган тушуми БҲМнинг 30 минг бараваридан камроқни ташкил этса (бундан табиий монополия субъектлари, маҳсулотларининг нархлари давлат томонидан тартибга солинадиган хўжалик юритувчи субъектлар мустасно) устун мавқега эга деб эътироф этилмайди.

Ўзбекистон Республикасининг "Рақобат тўғрисида"ги Қонунининг 18-моддасига мувофиқ устун мавқени ва устун музокара кучини суиистеъмол қилишни деб эътироф этилади:

Товарларнинг муомаласи ҳажмини товар ёки молия бозорида тақчилликни келтириб чиқариш ёки сақлаб туриш мақсадида нархларнинг ошишига ва (ёки) истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига зарар етказилишига олиб келадиган тарзда қисқартириш;

Истеъмолчиларнинг зарур ҳажмдаги товарни ва лозим даражадаги сифатли товарни олишга бўлган ҳуқуқлари камситилишига йўл қўйиш;

Товарнинг монопол юқори ёки монопол паст нархларини белгилаш;

Товарни реализация қилишда ёки олишда камситувчи шарт-шароитларни белгилаш, шу жумладан товардан фойдаланиш шартларини мажбуран қабул қилдириш;

Тегишли товарни ишлаб чиқариш ёки реализация қилиш имконияти бўла туриб, шартнома тузишни асоссиз равишда рад этиш;

Товар ёки молия бозорига бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг кириши учун тўсиқлар яратиш;

Бошқа хўжалик юритувчи субъектлар (рақобатчилар) томонидан ишлаб чиқарилган товарларни олишни ёки реализация қилишни тақиқлаш ёхуд чеклаш;

Рақамли платформа операторига маълумотлар, технологиялар ва рақамли маҳсулотлардан фойдаланиш ҳақидаги талабларни белгилаш орқали рақобатни чеклайдиган ҳаракатлар.

Хўжалик юритувчи субъект ёхуд шахслар гуруҳининг устун мавқеини ёки устун музокара кучининг бекор бўлганлигини эътироф этиш

Низомнинг 31-бандига мувофиқ, хўжалик юритувчи субъект ёхуд шахслар гуруҳининг устун мавқеи ёки устун музокара кучининг бекор бўлганлигини эътироф этиш тўғрисидаги буйруқ қуйидаги ҳолларда қабул қилиниши белгиланган:

- тегишли хўжалик юритувчи субъектнинг ёки шахслар гуруҳининг мавқеи уларнинг устун мавқеи ёки устун музокара кучининг бекор бўлганлигини эътироф этиш даражасигача ўзгарганда;

- устун мавқеи ёки устун музокара кучи эътироф этилган хўжалик юритувчи субъект томонидан товар турини ишлаб чиқариш ва сотиш (хизматлар кўрсатиш) тўлиқ тўхтатилганда;

- хўжалик юритувчи субъектга нисбатан тугатишга доир иш юритиш қўлланилганда.

О.Э. Умурзаковнинг маърузаси ЎзРВБ ходимлари томонидан катта қизиқиш билан тингланди ва тадбир сўнггида ходимлар ўзларини қизиқтирган саволларига маърузачидан атрофлича жавоб олишди. Давра суҳбати якунида ходимлар ўзларининг самимий миннатдорчиликларини билдирдилар.

Баёнлаштирилди:

Масъул ходим **О.Э.Умурзаков**
18-09-2025 йил